



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 12 февраль,
№14 (981)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Устувор вазифалар ижроси масъулият ва фаолликни талаб этади

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар самараси ўлароқ, маҳалла институти жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётининг муҳим таркибий қисмига айланди. Буни айни пайтда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган кўнг кўлмлли ишлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (ақсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун талабалари асосида 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган сайловлар фуқаролар йиғинларининг таркибини сифат жиҳатидан янада яхшилаш имконини берди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим бошқарувларида 2013 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишларда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Жиззах вилояти бўлими бошқаруви йиғилишида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда фондининг вилоят бўлими иш режасининг бажарилиши таҳлил қилинди. Унда эътироф этилишича, Фонд бўлим ва бўлимчалари томонидан фуқаролар йиғинларига маданий-маърифий ишларни изчил йўлга қўйишда яқиндан кўмак берилмоқда.

Йиғилишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга мутож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича 21 та семинар ўтказилгани қайд этилди.

— Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дей-

ди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси Абдумажид Сатторов. — Уттан йили Фонд маблағлари ҳисобидан олий ўқув юртлирида таълим олаётган 13 нафар кам таъминланган, чин етим талабанинг ўқув-шартнома пуллари тўланди. Олти нафар ногиронга махсус аравача ҳодя этилди.

Маҳалла ва қишлоқлар кифасини янада обод ва кўркамлаштиришга Фондининг вилоят бўлими ҳамда туман(шаҳар) бўлимчалари томонидан ҳам муносиб ҳисса қўшилмоқда. Янги ишшоотлар қаторида Фонд кўмагида қурилган, реконструкция қилинган, таъмирланган фуқаролар йиғинлари идоралари, маҳалла гузарлари ҳам бор.

Обод турмуш йилида фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳалла фаолларининг билим ва малакаларини ошириш доимий эътиборда бўлди. Ҳисобот доирисида вилоятда 33 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 90 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди.

> [2]

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

Юрт ҳимояси — шарафли ва машаққатли касб

Миллий армиямиз бугун тинч-осойишталигимиз ҳимоячисигина эмас, балки ёшларда мустақкам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатларни камол топтирадиган ўзига хос мактабга айланди. Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табригида ҳам армиямизнинг бўлғуси аскар ва офицерларини чақириққача бўлган даврда тайёрлашнинг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг ушбу шарафли, аммо машаққатли касбини танлашга онгли ёндашиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

■ Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Бунда таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда аҳолининг кенг қатламларини жалб этган ҳолда ташкил этиладиган ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларнинг аҳамияти катта. Айни мақсадларга йўналтирилган Мудофаа вазирлиги қoшидаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини кучайтиришга доир мулоҳазалари эса армия ва халқ ўртасидаги алоқаларнинг жипслашуви, бу борада фаол жамоатчилик назоратининг ўрнатилишига хизмат қилаётир.

Фаолиятини жамоатчилик асосида олиб

бораётган кенгаш мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дохил қиладиган энг долзарб масолаларга оид жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг муйаян тизимга солинган мониторингини юритиб, ушбу таъкидларни ҳар томонлама таҳлил қилиб боради. Шунингдек, Кенгаш ташкил этилганидан бери жамоатчилик уюшмалари ва фуқаролик жамияти институтлари билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорликнинг кучайгани ҳам аққол сезилмоқда.

> [2]

ЭЪТИРОФ

Кўҳна ва ҳамшиша навқирон



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Қадимий Самарқанднинг дунё ҳамжамияти олдидида нуфузи ҳамшиша баланд. Айниқса, истиқлол туйғули бу кўҳна диёрнинг салоҳияти янада ошди.

■ Абурашул САТТОВОР
«Mahalla»

Шаҳарнинг барча ҳудудлари янгилиниш сари юз тутди, маҳаллалар, хиббонлар,

боғу роғларда кенг микёсда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Сайёҳларнинг бу шаҳарга бўлган қизиқишлари кучайди.

Биз шаҳарга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳларнинг Самарқанд ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик:

Кенин Марион Осит (Англия):

— Самарқандда халқингизнинг бой тарихини акс эттирувчи меъморий ёдгорликлар, моҳирона услубда таъмирланган ва нозик дид билан безатирилган обидалар, муқаддас қадимжоларни кўриб ҳайратландим. Айни чоғда бу шаҳар, биз хатто ҳаёлимизга келтирмаган замонавий обидаларга бой кўҳна шаҳар, балки жаҳон андозаларига мос, тараққиётнинг барча омилиларини ўзидида ифода этган замонавий шаҳар эканига гувҳо бўлдим. Бу ердаги бизда учрамайдиган маҳаллаларда, меҳмонхоналарда, ресторан ва қаҳвахоналарда нозиктаб мижоз кўнглини топа олувчи, энг ривожланган мамлакатлардагидан қолишмайдиган юксак даражадаги сервис йўлга қўйилган.

Майкл Холмен (Австралия):
— Самарқанднинг кенг ва раво кўчалари, кўркам ва обод манзилларини кўриб, унинг нафақат тарихий обидаларга бой кўҳна шаҳар, балки жаҳон андозаларига мос, тараққиётнинг барча омилиларини ўзидида ифода этган замонавий шаҳар эканига гувҳо бўлдим. Бу ердаги бизда учрамайдиган маҳаллаларда, меҳмонхоналарда, ресторан ва қаҳвахоналарда нозиктаб мижоз кўнглини топа олувчи, энг ривожланган мамлакатлардагидан қолишмайдиган юксак даражадаги сервис йўлга қўйилган. Бугунги Самарқанднинг замонавий кифаси, шаҳардаги ободонлаштириш ишларининг кўлами ва ҳажми мени ҳайратга солди. Асрлар давомида Самарқандни энг гўзал шаҳар сифатида асраб келишга қанчалик эъти-

бор берилган бўлса, бугун бундай ишлар кўлами ва масъулияти юз баравар ортганига аминман.

Маутинни Жеймс Буффало (АҚШ):
— Самарқанд халқаро аэропортига тушишим билан қалбимни ўзим англамаган ёқимли ҳислар эгаллади. Марказий Осиёга, Ўзбекистонга илк маротаба келишим. Кўчалар ниҳоятда гўзал ва озода. Шарқ мейморчилик санъатига хос қадимий обидалар, хушфелъ, меҳмондўст одамлар — буларнинг бари мени ҳайратга солди. Шаҳарнинг сўлим боғ ва хиббонлари, сержило фавворалари, халқингизнинг юксак яратувчилик салоҳиятидан дарак берувчи маҳобатли ишшоотлар, неча-неча асрларга юзлашган миноралар, мадрасалар ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади.

Университет хиббонини сайр этиб, роҳатландим. Бу ердаги ямояшил майдонлар, турфа гуллар, ажойиб манзара дунёнинг бошқа мамлакатларида кам учрайди.

Газли шаҳарчаси Ромитан тумани мар-

казидан 70 километр узоқ масофада жойлашган. Аммо бу ердаги «Газли» ва «Байналмилал» маҳаллалари аҳолисининг сифатли тиббий хизмат илинжида бу қадар олис масофани босиб, марказга қатнашининг ҳолат йўқ. Негаки, мустақиллик йилларида қуриб фойдаланишга топширилган оилавий поликлиникада замонавий тиббиётнинг ташхис қўйиш ва довланишга оид барча зарурий техникалар мажмуаси мавжуд.

Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»
Бунда нафақат шаҳар марказлари, балки олис ҳудудлардаги маҳаллаларда ҳам аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлашга қаратилган замонавий тиббиёт муассасалари фаолияти йўлга қўйилаётганлиги мисолида аққол кўриш мумкин.

Газли шаҳарчаси Ромитан тумани мар-

ЧЕМПИОНЛАР МАҲАЛЛАСИ

Нуронийлар ҳамшиша ёшларга ўрнак

Пойтахтимиздаги Юнусобод туманида жойлашган «Акбаробод» маҳалла фуқаролар йиғини чемпионлар ва спортсеварлар маҳалласи, деган эътирофга муносиб. Бойси, бу ерда яшовчиларнинг 7 ёшдан 70 ёшгача барчаси мунтазам спорт билан машғул. Фуқаролар йиғини раиси Шокир Каримовнинг ўзи етакчи жамоаларда тўп сурган, баскетбол ўйнаган. У ҳозир ҳам маҳалласидаги барчани спортга жалб этишдан чарчамайди.

Яқинда шахмат бўйича турнир ўтказилди. Бу ҳақда эшитган кўшни маҳалла спортчилари ҳам иштирок этиш учун ташриф буюришди. Фолибларга эса ҳомийлар ва Фондининг туман бўлинмаси махсус совғалари топширилди.

> [4]

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

МАHALLA-EZGULIK BESNESI CHINAKAM TARBIYA O'CHOG'I



■ Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Фаровонлик йўлидаги муштарак саъй-ҳаракат

Ижтимоий ҳамкорлик асосида аҳоли бандлигини таъминлаш фаровонлигининг муҳим шартларидандир. Дунёнинг ривожланган давлатларида молиявий-иқтисодий инқироз туйғули ишсизлар сонини кескин ортаётган бир пайтда мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик сақланиб, янги иш ўринлари ташкил этилаёттир.

■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

«Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари

доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди», дея

таъкидладилар Президентимиз Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида.

Дарҳақиқат, аҳоли учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касбга йўналтиришда мутоасадди ташкилотлар билан изчил

ҳамкорликни йўлга қўйиш турмуш фаровонлигининг асосий омилларидан.

Ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни алоҳида катта. Бу борада фуқаролар йиғинларига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлимчалари томонидан услубий ва амалий жиҳатдан кўмаклашилаётгани яхши самара бермоқда.

> [2]

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Тиббий кўрик — саломатлик гарови



■ УЗА сурати.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, муҳтарам Юртбошимиз раҳнамоликларида хотин-қизлар ва болалар саломатлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, эртаминг эгаларини соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш йўлида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларнинг кўлами ва аҳамияти йил сайин ортиб бораётгани янада қувонарлидир.

■ Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Бунда нафақат шаҳар марказлари, балки олис ҳудудлардаги маҳаллаларда ҳам аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлашга қаратилган замонавий тиббиёт муассасалари фаолияти йўлга қўйилаётганлиги мисолида аққол кўриш мумкин.

Газли шаҳарчаси Ромитан тумани мар-

казидан 70 километр узоқ масофада жойлашган. Аммо бу ердаги «Газли» ва «Байналмилал» маҳаллалари аҳолисининг сифатли тиббий хизмат илинжида бу қадар олис масофани босиб, марказга қатнашининг ҳолат йўқ. Негаки, мустақиллик йилларида қуриб фойдаланишга топширилган оилавий поликлиникада замонавий тиббиётнинг ташхис қўйиш ва довланишга оид барча зарурий техникалар мажмуаси мавжуд.

> [3]



ЧЕМПИОНЛАР МАҲАЛЛАСИ

Нуронийлар ҳамиша ёшларга ўрнак



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Этиборли томони шундаки, бу ердаги нуронийлар доим ёшларга ўрнак. Улардан иборат «Юнусов» футбол жамоасининг ташкил топганига ҳам 10 йил бўлди. Унинг таркибига «Пахтакор» футбол жамоаси-

да тўп сурган Суннатилла Ҳожиёв ва Андрей Евстафьев каби собиқ футболчилар ҳам бор. Жамоа мурраббийи эса 12 йилдан буён маҳалла посбони бўлиб ишлаётган Турсунбой Мифтаховдир. Посбон ҳам бир қанча жамоаларда маҳоратли ва тезкор ўйинчи сифатида танилган.

Ўтган йиллар довомида «Юнусов» футбол жамоаси ўнлаб ўртоқлик учрашувлари ўтказди. Бу йил эса илк бора шаҳар босқичида 12 жамоа ўртасида 2-ўринни эгаллаб, республика турнирига йўлланма олди. Ҳозирда сўнгги босқичга қизғин тайёргарлик кўрмок-

да. Пойтахтимизда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил қилинган нуронийлардан иборат «Эски шаҳар», «Яккасарой», «Меҳнат», «Чилонзор», «Давр» каби футбол жамоалари ҳам ушбу турнир голиблиги учун майдонга тушишди.

— Маҳалламизда уч минг нафарга яқин аҳоли мингдан зиёд хонадонда истиқомат қилади, — дейди фуқаролар йиғини раиси Ш.Каримов. — Йил бошиданок ҳудудда ҳомийлар кўмағида катта ишларни бошлаб юбордик. Ҳозирда сўнгги қопламали футбол ҳамда бошқа спорт турлари учун мўлжалланган майдончаларни қуриш ишлари жадвал билан кетмоқда. Улар маҳалла аҳоли учун Соғлом бола йилида муносиб тўхта бўлади. Маҳалладошлар унинг қуриб битказилишини интиқлик билан кутишмоқда.

Дарҳақиқат, «Ақбаробод» маҳалласидан шу кунгача 30 нафарга яқин чемпионлар етишиб чиққан. Улар орасида битта оилада икки нафар фарзандлари чемпион бўлган хонадонлар ҳам бор. Шундан спортнинг шахмат тури бўйича Ўзбекистон чемпиони ака-

ва Акмал ва Ақбар Хусанбоевлар, кикбокс тури бўйича ака-ука чемпионлар Хайрулла, Лутфулла ва Убайдулла Собиржонова ҳамда ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича республика чемпиони 13 ёшли Арина Макрецевова маҳалла фахри ҳисобланишади.

Шунингдек, ақбарободликлар барча спорт мусобақаларида фаол. Ўтган йили «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Футболмиз келажиги» мусобақасида ушбу маҳалланинг жамоаси шаҳар босқичига чиққан эди.

Таяқдолош жоизки, ўтган йили пойтахтимизда 80 дан зиёд спорт майдончаси қурилди. Шундан 77 таси мини футбол майдончасидир. Айни пайтда барча маҳаллалар ҳудудларида жами 188 та спорт иншооти ва 1841 та болалар майдончаси мавжуд. Уларда 14392 нафар вағда етмаганлар спортнинг турли йўналишлари бўйича шугулланиб келаятгани қувонарли ҳолдир.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

КИНО Янги фильм тақдимоти



Пойтахтимиздаги Киночилар уйида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бюрократияси буюн «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан суратга олинган «Кудук» номли бадиий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди.

Н.БАХТИЁРОВА.

Фильмда собиқ Иттифоқ даврида дашт бағрида жойлашган бир қишлоқнинг оғир ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган. Бош қаҳрамон — Элмурод бир умр қишлоқдошларига қудук қазиб бериш билан шугулланади. У меҳнати учун ҳеч нарса таъма қилмайди. Соддадил, ишонувчан, оқ-кўнгил бу инсон барчани ўзига қадрдон, деб билади. Дилига озор етказган одамларни осонгина кечириб юборади. Шу боис ўзига «Лаллай» деган ном ҳам орттирган.

Элмуроднинг юрагида бир дард бор — тўнғич ўғли оғир хасталикка чалиниб, юрولмай қолган. У Тошкентдаги шифохонада даволанганга ўғлининг ҳолидан хабар олишни истайди. Бироқ қурғоқчиликдан азият чекаётган одамларнинг ҳам юзидан ўтмайди. Қудук қазиб жараёнда ҳар хил воқеаларга гувоҳ бўлади, турфа табиатли одамлар билан мулоқот қилади. Ҳаётда кўрган-кечирганларини умумлаштириб, ўзича хулоса чиқаради: «Умр бўйи тупроқ қовлаш билан андармон бўлиб, одамлар кўксидagi эзулик қудуғи қуриб бораётганини сезмай қолмабман. Улардан яхшилик умидвор бўлиб, беҳуда уриноётганга ўхшайман...». Лаллай бир умр ўзи ахтарган қудуқни хонадонни яқинидан топади. Ҳаётда кўрган-кечирганлари, бошидан ўтган синювлар уни ана шу қудуққа етаклаб келади...

Асарда инсоннинг турли ташвишлар олдидagi бардоши, яхшиликка, албатта, яхшилик қайтиши, эл хизматида бўлганлар эъзоз топиши тараннум этилган.

Ушбу фильм Гафур Шермухаммад сценарийи асосида постановкани режиссёр Мансур Абдуқолиқов, постановкани оператор Умид Маликов томонидан суратга олинган. Постановкани раҳбар — Бектос Раҳимов. Бош ролларни Мухаммадсидо Абдулхайиров, Лала Элтоева, Абдухалил Мингоров, Юлдуз Ҳамидова ва Фарҳад Худойбердиевлар ижро этишди.

Фильм томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

СПОРТ Маҳаллалараро турнир

Гулистон шаҳрида Соғлом бола йилига бағишлаб умумтаълим мактабларининг 1998-2000 йилларда туғилган ўқувчилари ўртасида спортнинг бокс, шахмат, бадиий гимнастика турлари бўйича маҳаллалараро турнир уюштирилди.

Шамсия.

«Фарҳод» маҳалласида жойлашган спорт мажмуасида кечган баҳсларда 120 нафар ўқувчи ўзаро куч синашди. Еш спортчиларнинг 50 нафарини қизлар ташкил қилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими ҳомийлигида ўтган мусобақаларнинг бадиий гимнастика турида 40 нафар ёш нафосат маликалари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Муроббий Нафиса Раҳимованинг шогирдлари Мадина Мамадалиева, Севинч Қурбанова, Дилноза Ганиевалар кучли учликдан ўрин олишди.

Шахмат бўйича Мадина Уктамова, Ганишер Иброҳимов ва Мадина Бўроновалар ҳамда бокс мусобақаларида Элдор Исқандаров, Ўскан Абдуллаев ва Темур Алишеровлар голиб бўлишди.

Голиб ва совриндорлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистлари қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намойиш этишлари учун шариит яратиб ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2013 йилнинг 31 мартидан 2014 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2014 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган: Журналистика соҳасида беш миллий мукофот. Голиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуетка-

си ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдориди пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун

миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдориди пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдориди пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдориди пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови голибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-

қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадон кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишида бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоташтиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

— муаллифнинг исми-шарифи, проффесионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов голибларини тантанали мукофотлаш маросими 2014 йил 2 майда — Жаҳон матбуоти эркинлиги куну арафасида «Туркистон» саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-хоналар Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87. www.Journalist.uz



Фаолликка жавоб

Эрон ҳукумати АҚШнинг Атлантика уммонидаги денгиз чегараларига бир неча ҳарбий кема юборади.




«Reuters»нинг «FARS» ахборот агентлиги хабарига таяниб маълум қилишчи, маъзур чора АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг Форс

кўрфазидagi фаоллашувиға жавоб бўлади. Ҳарбий кемаларнинг русуми ва гуруҳ аъзоларининг сони хусусида маълумот берилмаган.

Эслотиб ўтамиз, АҚШнинг Баҳрайнда жойлашган бешинчи флоти Форс кўрфазида кемаларнинг эркин қатновини таъминлашни кўзлайди. Эроннинг 2012 йил апрелда Ормуз бўғозини епиш ҳақидаги баёнотидан кейин минтақада АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг фаоллиги ортган.

Фабрикада портлаш

Хитойнинг Хэйлуңцзян музофоти Харбин шаҳридаги маккажўхорини қайта ишлаш фабрикасида портлаш содир бўлди.



Фожиа натижасида 9 нафар киши жароҳатлан-

ган. Улар тезликда Харбин ва Дахин шаҳарларидаги шифохоналарга етказилган. Уч нафарининг аҳоли оғир. «Heilongjiang Longfeng Corn Development» компаниясига қарашли корхонада йилига салкам 1 миллион тонна дон қайта ишланади.

Ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

Қор ташвиш келтирди

Японияда бир ярим кун давом этган тинимсиз қор ёғиши оқибатида 13 киши ҳаётдан кўз юмди, 1700 аҳоли жабрланди.



«NHK» телекомпанияси айрим ҳудудларда қорнинг

қалинлиги 35 см.га етганини дараклаган. Токиода бу кўрсаткич сўнгги 45 йилдаги рекорд натижа — 27 см.ни ташкил қилган.

Шанба ва яқшанба кунлари мамлакатда кўплаб йўналишлар бўйича поезд ва авиакатновлар бекор қилинди. Марказий ҳудудлардаги йўлларда автомобиллар тирбандлиги бир неча километрга чўзилган.

Муҳожирлар сони чекланади

Швейцария фуқаролари мамлакатнинг муҳожирлар бўйича сиёсатни кескинлаштириш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашган.

50.4 фоиз фуқаро чеклов тизимининг кенгайтирилишини ёқлаб овоз берган. Ушбу масала референдумга Швейцар халқ партияси томонидан Евроиттифокда «чегаралар очкилиги» сиёсатига қарши жавоб сифатида киритилган.

Сиёсатчиларнинг фикрича, мамлакат амалдаги қондалар асосида, тўхтовсиз равишда ҳар йили 80 миң муҳожирни қабул қила олмайд.

Еврокомиссия референдум натижаларидан ташвиш билдирган.

Интернет материаллари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Тараққиёт ҳар соҳа ва ҳар жабҳада намоён



ҲА сурати.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга замин яратмоқда. Айниқса, олис қишлоқ ва овулларимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишга кўмаклашиш бўйича қатор ишлар амалга ошириляптир.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»

Кегейли тумани республикаимизнинг чекка ҳудудларидан ҳисобланади. Туманда 20 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғини мавжуд. 90 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган мазкур ҳудудда боддорчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик тармоқлари анча ривожланган. Аҳолининг аксарияти тармоқлар асосида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб келмоқда. Натижада аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшларнинг бандлиги таъминланяпти. Утган йилда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамкорлигида 1427 нафар фуқаро дониш иш ўрнига эга бўлди. Шунингдек, ҳокимлик ҳамда «Камолот» ЁИХ туман кенгаши ҳамкорлигида касб-хунар коллежлари битирувчилари учун 6 моратоба «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркаси ўтказилди. 588 нафар ёш иштирок этган ушбу тадбирларда турли корхона ва ташкилотлар томонидан 400 га яқин бўш иш ўринлари тавсия этилди. Натижада 244 нафар битирувчи ўз мутахассислиги бўйича иш топди. 300 нафари эса ишга жойлашиш ва турли масалалар бўйича керакли маслаҳат ва тавсиялар олди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда ҳудудда фаолият юритаётган ишбилармон ва тадбиркорларнинг ҳиссаси катта. Хусусан, Ақтуба овул фуқаролар йиғинида яшовчи Ариуҳан Ҳайитбекова банкнинг 85 млн. сўм кредити ҳисобига кўрпа, ёстиқ, қоплама ва чойшаблар учун тикув цехи ташкил қилди. Ундан зиёд хотин-қиз ишли бўлди. Тадбиркорнинг фаолиги ва ташаббускорлиги боис туман марказида «Ўрзуя-Розия» тикув цехи ва «Жайхун-Кегейли» хусусий такси фирмаси иш бошлаб, бир қанча фуқаронинг бандлиги таъминланди. «Кегейли» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Роза Қайипназарова нон ва нон маҳсулотлари пиширишни йўлга қўйди. Бундан ташқари, бу ерда мазаси оғизда қоладиган қандолатлар ҳам тайёрланмоқда. Айни пайтда «Гули иновест» цехида маҳалланинг 9 нафар ёши меҳнат қилаётди. «Халқобод» овул фуқаролар йиғинида ҳам мебель ишлаб чиқарувчи «Мадирейим косе» кичик кархонаси ишга туширилди. Жаҳон андозалари асосида ясалаятган уй ҳамда ошхона жиҳозлари нафақат туманда, балки кўшни ҳудудларда ҳам харидорларга мазкур кархонанинг очилиши овул аҳли учун кенг имкониятлар, қўлайликлар яратиб, ўндан зиёд қўлигул ёшнинг хунар ўрганишига кўмак бўлмоқда. Ҳудудда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолини, айниқса, хотин-қизларни меҳнатга йўналтиришда касаначиликнинг аҳамияти катта. Утган йили мавжуд 17 та корхона ва ташкилот томонидан касаначилик йўналишида 161 та иш ўринлари яратилди. «Халқобод мотиғи» акциядорлик жамияти томонидан шолча, фартук, кўлқоб, ишчилар учун махсус кийим тикиш бўйича 34 та, «Бозатау тукэй» хўжалиги томонидан эса ярқисқис дарахт, ёғочлардан зуюмлар тайёрлаш, шунингдек, кўчат етиштириш бўйича 14 та иш ўрни яратилди. Бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигини кўзлаб қилинаётган мана шундай ишлар республиканинг бошқа туманларида ҳам давом этмоқда.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Харажати кам, ҳосили мўл маҳсулот

Аҳолини йил давомида арзон ва сифатли сабзавот ва поллиз маҳсулотлари, сархил мевалар билан таъминлашда иссиқхоналар барпо этиб, эл дастурхонига қишин-ёзин тўқинлик ҳада этаётган омилкор деҳқонларнинг ҳиссаси беқисс.

Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «Эски қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тоҳиржон

Қаюмов томорқачиликнинг ушбу йўналишида катта тажриба тўплаган. У бир неча йиллардан бунён хонадондаги мўъжазгина ер майдонидан унумли фойдаланиб келаётди. Дастлаб, иссиқхона ташкил қилиш, унда қандай

маҳсулот етиштириш ва сотувга чиқариш масалаларини аниқ ҳисоб-китоб қилган миришкор томорқачиликнинг 2 сотих майдонини плёнка билан ўради. У ерда ўтказилган 53 туп лимон кўчати бугун серхосил дарахтга айланган. — Томорқа — бебахо бойлик, — дейди Т.Қаюмов. — Ундан қанчалик унумли ва ўринли фойдаланиш, шунча юқори даромад олиш имконини яратади. Кунт ва ҳафсала билан ерга меҳр бер-

ган инсоннинг ҳамisha дастурхони тўқин, рўзғори бут бўлади. Шунингдек, экинни озиклантириш, сугориш ва иссиқлик ҳароратини меъёрида ушлаб туриш қўтилган натижа беради. Айни пайтда лимон кўчатларидан 800 кг. дан зиёд ҳосил олинмоқда. Цитрус мевалар пишиб етилмасиданоқ харидорини топаётди. Бундан ташқари, омилкор раиснинг гул ўстиришга бўлган қизиқишини қишлоқ

аҳоли яхши билади. Т.Қаюмовнинг хонадонига ташриф буюрсангиз, йилнинг тўрт фаслида ҳам ифтор таратиб турган гулларга кўзингиз тушади. Ҳавас ва иштиёқ билан парваришланаётган гулларнинг тури кенгайиб, кейинчалик қўшимча даромад манбаига айланди. 2012 йилда гулларнинг камбەб ва қимматбахо навлари олиб келинди. Бугун иссиқхонада гулларнинг 30 турга яқин нави ўстирилмоқда. Уй бекаси Замира Қаюмованинг таъкидлашича, «Вашингтон», «Палма», «Лилия», «Юка», хитой атиргули, магнолия ҳамда фикус каби гуллар олоҳида эътибор, парвариш талаб қилинган. Совуққа чидамсиз, номлики хуш кўрувчи ушбу ўсимликлар хонадонларга қишда ҳам ёздагидек тароват берилайди.

Овлиннинг борча аъзоси иссиқхонада бирдек меҳнат қилиб, оилавий бюджетга ўз ҳиссасини қўшиб келаётди.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Тиббий кўрик — саломатлик гарови

< [1]

— Жорий йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлашда биз учун янада қўшимча масъулият юкляди, — дейди «Бойсалмилал» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нозима Абдукаримова. — Ҳудудимизда истиқомат қилувчи аҳолининг 1183 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улар келажак авлод яратувчиси. Шу боис оила-сингиларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан саломатлигини фарзандларимизнинг соғлом бўлиб туғилишлари ва вояга етишлари кафолатидир.

никага бордим. Кўрик давомида менда касалликнинг яширин шакллари мавжудлиги аниқланди. Агар вақтида олди олинмаса, асорати ёмон бўлишини айтишди. Шундан сўнг даволандим. Агар тиббий кўриқдан ўтмаганимда ҳам соғлигимга, ҳам ҳамёнимга жиддий зарар етиши аниқ эди.

Мазкур мақсадда ҳудуддаги оилавий поликлиника, йиғин қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия томонидан йилда икки маратоба 15-49 ёш оралиғидаги аёллар учун мунтазам тиббий кўриқлар ташкил этилмоқда. Патронаж ҳамширалар билан биргаликда ҳар бир оилда тиббий маданиятни шакллантириш хусусида маслаҳат ва тавсиялар бериб бориламоқда. — Маҳалла фаоллари хонадонимизга келиб, поликлиникада тиббий кўрик бўлаётгани, унда қатнашишим кераклиги ҳақида айтишганда, бу мен учун ортинча даҳмаздедек туюлганди, — дейди шу маҳалладан яшовчи Олтинбиби Холбоева. — Аммо кўни-қўшинлардан қолмай, деб полкини-

— Асл касбим ҳамшира бўлгани боисми, сўхбатларда инсон саломатлиги ҳақида кўп гапирман, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси Гўлчехра Журмонова. — Аслида оила учун саломатликдан ортинқ бойлик йўқ. Ойлада саломатлигини таъминлашнинг энг биринчи босқичи бу — тўйдан олдинги тиббий кўрик. Шу боис аҳоли билан кўпгина учрашувларда унинг аҳамияти, эрта турмушнинг маънан соғлом оила яратишга кўрсаткич деган салбий таъсир, қариндошлар никоҳи ҳамда туғруқлар оралиғидаги қисқа вақт оқибатида ногирон фарзандлар туғилиши хавфи мавжудлиги ҳақида кўп тўхталамиз.

Шунингдек, қизларни оилавий ҳаётга тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларининг юқори синфларида таҳсил олувчи қизлар учун махсус сўхбатлар ҳам ташкил этганимиз. Албатта, бу ишларнинг барчасида ёшларимизда тиббий маданиятни қарор топтириш, уларни барқарор фарзанд тарбиячиси этиб шакллантириш сингари эзгу мақсад муҳассам.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ALOQABANK

Тадбиркору фермерга ҳамкор

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рақобатбардош корхоналарни кўпайтириш, замонавий сервис хизматини йўлга қўйиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, корхоналар экспорт салоҳиятининг оширилишига имкон яратилди. Бундай хайрли ишлар аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига, шаҳар ва қишлоқларимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилаётди.

Абадасул САТТОРОВ «Mahalla»

Бу борада тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароитлар, енгиллик ва имтиёзлар яратиб беришда банк-молия муассасаларининг тўтган ўрни алоҳида эканини таъкидлаш жоиз. — Банк филиали томонидан биттадан мини банк, жамғарма касса ва махсус касса, шунингдек, «Western Union», «Lider», «Золотая корона», «Blizko», «Юнистрим», «Contact», «Анеликс», «Migom», «Caspian Money Transfer», «Money Gram» номи ўнга халқаро пул ўтказмалари орқали иқтисодийнинг реал секторига фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларга, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига турли банк хизматлари кўрсатилмоқда, — дейди «Алоқабанк» очик акционерлик тижорат банкнинг Самарқанд вилояти филиали бошлиғи Талибжон Маматқулов. — Хизматлар сифатининг яхшиланиши ва қўланининг кенгайиши ҳисобига 2014 йилнинг 1 январь ҳолатида мижозлар сони 499 тага етди. Уларнинг 238 тасини юридик, 168 тасини юридик шахс мақолини олмадан фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этади.



ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори асосида фермер хўжалиғига кредит маблағи берилди. «Чортут» фаолиятини ривожлантириш учун рақобатбардош ускуналар сотиб олиш, насли чорва молларини кўпайтириш, сўт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда қишлоқ жойларида дониш янги иш ўринлари яратиш мақсадида Германиянинг «Agralis GmbH» компанияси билан шартнома имзоланган эди. Унга асосан фермер хўжалиғига замонавий сутни қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш учун 443,1 миллион сўм, шунингдек, польшалик ишбилармонлар билан 125 бош қорамол харид қилиш тўғрисидаги шартномага биноан 1 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Банк маблағлари эвазига амалга оширилган ишлар натижасида фермер хўжалигининг аҳолини сифатли гўшт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти янада ошди.

Банк филиали Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳамда мамлакатимиз Президентининг шу йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш раёбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талаблари асосида ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда. Масалан, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига жами муомалага чиқарилган пластик карточкалар 18944 тани ташкил этди. Бу рақамнинг бундан бир йил олдинги кўрсаткичга нисбатан 10460 тага кўпчилиги, ўсиш суръати 81 фоизни ташкил этганининг ўзиёқ аҳоли томонидан банкнинг бу хизмат турига эҳтиёж ошаётганини аниқлатади.

Хуллас, банк филиали ташкил топганидан бугунга қадар Самарқанд вилояти ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда.

Бизнес режа ва ғоялар рўёбида мададкор

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти кескин ўсиб, ривожланишининг «ўзбек модели» дунё аҳли эътирофига сазовор бўлди. Юртимизда қабул қилинаётган Давлат дастурлари ҳам тараққиёт мезонларини белгилаб, молия муассасалари фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Жумладан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан «Агробанк» ОАТБ Андижон вилояти бошқармаси филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга ўтган йил давомида 47 млрд. сўмга яқин мблаг ажратилди. Улар эвазига вилоятда жами 3825 нафар иш ўрни яратилгани эса, шунча оиладаги иқтисодий ўсишдан далолатидир. Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосан ўтган йил давомида ёшлар томонидан тақдим этилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 1,2 млрд. сўм миқдоридан кредит ажратилди, 281 нафар ёшнинг иш билан таъминланишига эришилди. Буни касб-хунар коллежлари битирувчилари, муассасанинг молиявий кўмағида фаолиятини ташкил этган тадбиркорлар фикрлари ҳам тасдиқлайди.



қувончига сазовор бўлдим. Мен банкдан миннатдорман ва унинг кўмағига доим таянман. Тадбиркорлигимга ҳаваси ортаётган тенгдошларимга ҳам ушбу банк билан ҳамкорлик қилишни маслаҳат берман.

Муҳаммадисо ШАРИПОВ, Марҳамат туманидаги «Мезрож» фермер хўжалиғи раҳбари:

— Интенсив боғлар — юрт кўрки. Боғдорчиликни ривожлантириб, эл дастурхони тўқинлигини таъминлашга ҳаваси ортаётган тенгдошларимга ҳам ушбу банк билан ҳамкорлик қилишни маслаҳат берман. — Хозирги кунда мазкур муассаса «On-Line» карта фойдаланувчилари учун янги «UZCARD-CLICK» хизматини жорий қилмоқда. Бунинг афзалликлари бисёр, «UZCARD-EMV», яъни «On-Line» картага келиб тушаётган, чиқиб кетаётган маблағлар тўғрисида уяли телефонингизга мунтазам равишда ахборот келиб туради. Банккомат, инфоюкска, терминалга қарангизни солмасдан ёки банк бўлимига бормасдан уяли телефонингиздан «UZCARD-EMV», яъни «On-Line» қарангизда қолдиқ маблағини ишлатиш имкониятини беради.

Мен бир неча йилдан банкнинг ҳудудий филиали пластик қарталаридан фойдаланиб келаман. Янги «On-Line» пластик қарталари аввалги пластик қарталарга нисбатан ишлатилиши қўлай ва ишончлидир.

янгича ва тежамкор боғларни кўпайтиришга хизмат қилаётди.

Маҳаммадхўлиқ САМСАҚОВ, Булоқбош туманидаги «Тошкечик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда шахсий томорқа хўжалиғида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштириб қўшимча даромадга эга бўлаётган оилалар кўп. Бу борада «Агробанк»нинг Булоқбоши филиали томонидан амалга оширилятган саяёҳаракатлар таҳсинга сазовор. Бугунги кунда ҳудудимизда ишбилармон ва тадбиркорлар кўпайиб, аҳоли турмуш тарзи юксалаётгани ҳам ушбу муассаса билан мустаҳкам ҳамкорлигимиз тўғрисида аниқлаш мумкин. — Хозирги кунда мазкур муассаса «On-Line» карта фойдаланувчилари учун янги «UZCARD-CLICK» хизматини жорий қилмоқда. Бунинг афзалликлари бисёр, «UZCARD-EMV», яъни «On-Line» картага келиб тушаётган, чиқиб кетаётган маблағлар тўғрисида уяли телефонингизга мунтазам равишда ахборот келиб туради. Банккомат, инфоюкска, терминалга қарангизни солмасдан ёки банк бўлимига бормасдан уяли телефонингиздан «UZCARD-EMV», яъни «On-Line» қарангизда қолдиқ маблағини ишлатиш имкониятини беради.

Бахтиёржон БОЗОРОВ, Андижон шаҳар «Боғшамол» даҳасида истиқомат қилувчи фуқаро, банкнинг дониш мижози:

— Хозирги кунда мазкур муассаса «On-Line» карта фойдаланувчилари учун янги «UZCARD-CLICK» хизматини жорий қилмоқда. Бунинг афзалликлари бисёр, «UZCARD-EMV», яъни «On-Line» картага келиб тушаётган, чиқиб кетаётган маблағлар тўғрисида уяли телефонингизга мунтазам равишда ахборот келиб туради. Банккомат, инфоюкска, терминалга қарангизни солмасдан ёки банк бўлимига бормасдан уяли телефонингиздан «UZCARD-EMV», яъни «On-Line» қарангизда қолдиқ маблағини ишлатиш имкониятини беради.

Мен бир неча йилдан банкнинг ҳудудий филиали пластик қарталаридан фойдаланиб келаман. Янги «On-Line» пластик қарталари аввалги пластик қарталарга нисбатан ишлатилиши қўлай ва ишончлидир.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, «Агробанк» ОАТБ Андижон вилояти бошқармаси филиаллари вилоят халқ хўжалиғи тармоқларининг ҳақиқий ҳамкори сифатида фаолият юритиб келмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кишиларнинг ишбилармонлик салоҳиятини кўзлаб-қувватлаш, мамлакатимизнинг дунёдаги тараққиёт топган давлатлар сафидан ўрин олишидек олий мақсадлар йўлида самарали фаолият олиб бораётди.